Инв. 07 Государственная палата УзССР
ОПУБЛИКОВАНО 17 МАЙ 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 112 (19.188). • 1985 йил 16 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ ЛЕНИНГРАДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 15 май куни Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни ўртоқ М. С. Горбачев Ленинградга келди.

«Пулково» аэропортида уни КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, область партия комитети бюросининг аъзолари, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретарлари кутиб олдилар.

Пионерлар М. С. Горбачевга гуллар тақдим этишди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик якунларини кўриб чиқди. Шанбаликда 154 миллион киши қатнашди. Меҳнаткашларнинг истакларига биноан шанбаликда ишлаб топилган маблағни уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қурилишига, ветеранларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар шуҳрат қадамжоларини ободонлаштиришга, Москвада 1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба ёдгорлигини бунёд этишга сарфлашга қарор қилинди. Шанбалик якунлари ҳақидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг илмий ходимлар, конструкторлар ва технологлар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул этилди. Бу қарор саноат ва илмий-тадқиқот институтлари шу категориядаги ходимларининг янги техника ва технологияни яратиш ва жорий этиш муддатларини қисқартиришдан, меҳнат самарадорлигини ўстириш ва бажарилаётган ишлар сифатини яхшилашдан моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Мазкур қарорда белгиланган тадбирларни ишлаб чиқишда кейинги йилларда Ленинград, Москва, Ульяновск ва бошқа баъзи шаҳарлардаги бир қатор корхоналарда, ташкилотларда тўпланган ижобий тажриба ҳисобга олинди.

Шу тажрибани эътиборга олиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини ошириш кўзда тутилади. Жумладан, келгуси йилдан бошлаб ажратилган иш ҳақи фонди доирасида илм-фан ходимлари, конструкторлар ва технологларнинг мансаб маошларини ошириш белгиланганди. Бу маошларнинг янги схемаси тасдиқланди. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига энг мураккаб ва масъулиятли ишларни юксак натижа билан бажаришга ижодий ҳисса қўшганлиги учун конструкторлар ва технологларнинг мансаб маошларига қўшимча ҳақ тўлашни белгилаш ҳуқуқи берилади. Илмий ходимлар, конструкторлар ва технологларни аттестациядан ўтказиш ва мукофотлаш системасини такомиллаштириш, мукофотлар миқдорини халқ хўжалигида ечимларни жорий этишдан олинадиган иқтисодий самарага маҳкамроқ боғлиқ қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар кўзда тутилди. «Хизмат кўрсатган конструктор» ва «Хизмат кўрсатган технолог» деган Иттифоқ ва республика фахрий унвонларини белгилаш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди.

Сиёсий бюро мажлисида КПСС XXVI съезди қарорларига биноан мамлакатимизда болали оилаларга давлат ёрдами беришни кучайтириш юзасидан кенг тадбирлар амалга оширилганлиги, ёлғиз оналарга нафақа тўлаш миқдори кўпайтирилганлиги, ишчи ва хизматчиларга қарилиги ва инвалидлиги учун бериладиган пенсиялар оширилганлиги таъкидланди. Меҳнатга яроқли пенсионерлар ва ёш болали аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши учун анча қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Шу билан бирга ушбу категориядаги аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида уларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, кексайиб қолган гражданлар ва инвалидларга социал хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш, болали оилаларга давлат ёрдами кўрсатишни кучайтириш юзасидан бир қатор қўшимча тадбирларни ўтказиш талаб этилади.

Шу муносабат билан 1985 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб колхоз аъзоларига ёшига қараб бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини ҳамда шунга мувофиқ равишда инвалидлик ва боқувчисиз қолганлик сабабли уларга бериладиган пенсиялар миқдорини ошириш зарур, деб топилди. Айни пайтда бундан ўн йилдан кўпроқ вақт илгари ишчилар ва хизматчиларга 60 сўм миқдорида белгиланган ҳамда уларнинг оилаларига тўланадиган пенсия миқдори оширилиб, бу пенсиялар миқдори ҳозирги вақтда айнан шундай касб ва малакадаги ходимларга белгиланадиган пенсиялар миқдорига яқинлаштирилади. Энг кам миқдорда пенсия олаётган ишчи, хизматчи ва колхозчи пенсионерлар учун врачлар рецепти бўйича сотиб олинадиган дориларнинг нархи эллик процент арзон қилиб белгиланади.

Кексалар ва инвалидлар учун интернат уйлар қурилишини жадаллаштириш, маҳаллий Советларга бўйсунувчи муассасаларнинг уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг меҳнат ветеранларига ёрдам бериши, касаба союзлари ва комсомолнинг ёлғиз кекса гражданлар ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга оталиқ қилишини ривожлантириш, бу ишда социал таъминот, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Ўн иккинчи беш йилликда болали оилаларга давлат ёрдами беришни кенгайтириш, шу жумладан, болаларга 12 ёшгача нафақа тўлашни белгилаш, бемор болаларни парвариш қилиш учун бериладиган отпуска муддатини узайтириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларга бериладиган бошқа баъзи имтиёзларни белгилаш юзасидан бир қанча тадбирлар кўзда тутилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига болали оилалар, ёлғиз кекса гражданлар ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларнинг талаб ва эҳтиёжларига диққат-эътиборни кучайтириб, уларга тегишли ёрдам берилиши ҳамда шу категориядаги аҳолининг моддий аҳволини янада яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида иқтисодий ва социал сиёсатнинг бошқа баъзи масалалари, шунингдек, қардош социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини чуқурлаштиришга доир масалалар кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари ҳамда йўл-йўриқларини амалга ошириш юзасидан ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирлари планини тасдиқлади. Партия, совет, хўжалик, жамоат ташкилотларига меҳнат коллективларини 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Марказий Комитет Бюроси КПСС XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш юзасидан республика меҳнаткашларига мурожаат билан чиққан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат соҳалари ишчиларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Шу масала юзасидан қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳолининг буюртмалари билан уй-жойларни, боғдорчилик ширкатлари учун иморатларни, гаражлар ҳамда бошқа иморатларни ремонт қилиш ва қуриш соҳасидаги хизматларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли қарори қабул қилинди.

Урганч шаҳар партия ташкилотининг КПСС Уставига, партия турмуши нормаларига риоя қилишда коммунистларнинг масъулиятини ошириш соҳасидаги иши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Шаҳар партия комитети бюросининг эътибори бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилишда, ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш учун кураш, партия ва меҳнат интизомини, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш учун курашда КПСС аъзоларининг авангардлик ролини таъминлашда жиддий камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилаётганига жалб этилди.

Шаҳар партия комитетига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март ва апрель Пленумлари қарорлари, КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ вазифалар асосида партиявий-ташкилий ва идеологик ишлар савиясини ошириш таклиф этилди. Ҳамма жойда ижтимоий бурчни, партия қарорларини, Устав талабларини бажаришда ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанликни ошириш, партия йиғилишларида, партком ва партбюро мажлисларида КПСС аъзоларининг ҳисоб бериб туришини кенг йўлга қўйиш лозим.

Сурхондарё область Сариосиё район партия комитети бюросининг аҳолини атеистик рухда тарбиялаш соҳасидаги иши ҳақидаги ҳисоботи тинглади. Идеологик фаолиятнинг бу муҳим соҳасига раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, ўтмиш сарқитларига қарши курашни кучайтириш бўйича ўз вақтида ва таъсирли чоралар кўрмаганлиги, диний маросимлар ҳақидаги қонунчиликни бузганлиги учун район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Намозовга ҳамда халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Х. Курняевга жазо берилди.

Марказий Комитет Бюроси район партия комитетидан, бошланғич партия ташкилотларидан меҳнаткашларнинг илмий-материалистик дунёқарашини шакллантириш масалаларини ҳамиша диққат марказида тутишни, атеистик тарбиянинг идеология иши бошқа йўналишлари билан, районни ҳамда меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан таъсирчан ўзаро алоқасини таъминлашни талаб этди. Айниқса динга ишонувчиларга қоявий таъсир ўтказишнинг форма ва методларини тубдан яхшилаш, атеистик пропаганданинг ташкилотчи кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирларини кўриш лозим. Диний маросимлар ҳақидаги совет қонунларини бузишга қарши кескин кураш олиб бориш, диний сарқитлар ва ҳурофотларни тугатишда коммунистлар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўжаликка партия раҳбарлиги, партиявий-ташкилий ва идеология ишларининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ДАЛА ИШЛАРИГА—ЗАРБДОР СУРЪАТ!

ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШГА КУН САЙИН ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ОБЗОРИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари жамоат моллари ва паррандани юқори сифатли ва хилма-хил озуқа билан таъминлашни анча ошириш, қишловга камида 6,2 миллион тонна хашак тайёрлаш, 4,6 миллион тонна силос бостириш, 200 минг тонна витаминли ўт талқони тайёрлаш мажбуриятини олишган.

Озуқа тайёрлаш, беда ва табиий ўтларни ўриб олишнинг масъулиятли палласи бошланди. Озуқа запасларини тўлдириш бу ишнинг қай тариқа бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Пичан ўришни энг яхши агротехника муддатларида пухта уюшқоқлик билан ўтказиш озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда озуқа сифатини яхшилашнинг муҳим шартидир. Яқин кунлар ичида бедани, мўл-кўл табиий ўтлар ҳосилини ўриб олиш, мумкин қадар кўпроқ юқори сифатли пичан тайёрлаш зарур. Маълумки, бошоқли ўтларни гуллайдиган ҳамда бошоқ чиқарадиган пайтда ўриш энг яхши муддат ҳисобланади. Бу пайтда беда пичанида оқсил моддаси 20 — 30 процент кўп бўлади, унинг ҳазм бўлиши ёппасига гуллаш давридагига нисбатан 20 процент юқоридир.

Айни бир пайтда молларни тўйимли озуқа билан узлуксиз таъминлашга, ҳар бир колхоз ва совхозда оралиқ экинлардан, беда, бир йиллик ўтлар ва бошқа озуқа турларидан энг кўп фойдаланган ҳолда тайёрланган яшил конвейернинг самарали формасини вужудга келтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг шу йил 14 майга берган маълумотига кўра, беда экилган майдонларнинг ярмидан ҳам камроғи — 119 минг гектар ернинг бедаси биринчи ўримдан чиққан. 343 минг тонна пичан, 248 минг тонна сенаж, атиги 936 тонна витаминли ўт талқони тайёрланди.

Сурхондарё области хўжаликлари беданинг биринчи ўримини тугаллаб, иккинчи ўримга киришдилар. Аммо Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм областларида озуқа ўрими ва тайёрлаш суръатлари сust олиб борилмоқда. Бу областларнинг хўжаликларида беданинг атиги 18—28 процента ўриб олинган. Жиззах областининг кўпгина колхоз ва совхозлари қишловга озуқа тайёрлашга ҳали киришганлари йўқ, улар беда ва оралиқ экинларни ўриб олишда орқада қолмоқдалар. Областдаги 11 райондан атиги иккитаси озуқа тайёрлашга киришди. Табиий ўтларни ўриб олиш ёмон аҳволда, Зомин ва бошқа баъзи районларда ўт яхши ўсган участкаларда пичан ўриш ҳали бошланмаган.

Кўпгина хўжаликлар беда ва оралиқ экинларни ўриб олиш муддатларини асоссиз равишда чўзиб юбормоқдалар. Ворошилов районидаги «Гулистон» совхози, Сирдарё районидаги Ленин номли, Ғалаба районидаги Ленин номли колхозларда, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди», Калинин районидаги «Хасково» совхозларида бедани ўриб олишга сира шошилмяяптилар, бу ерда кўпчилик майдонлардаги беда ўрилмай қолиб, тўйимлилик сифатини йўқотмоқда. Шу тариқа иккинчи ўрим муддатининг ярми ўтиб кетмоқда, ҳосилга зарар етказилмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, район агросаноат бирлашмаларининг мутахассислари озуқани ўриб олувчи барча техникадан, транспорт воситаларидан энг кўп даражада фойдаланиш учун конкрет чора-тадбирларни кўришлари, озуқа етиштирувчи бригадалар ишини активлаштиришлари, озуқа ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашда меҳнат унумдорлигини оширишлари зарур. Ўрим орасидаги вақтни мумкин қадар қисқартириш керак.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ҳамда концентрация қилинган озуқани тежашда моллар ва паррандаларни витаминли, мўл оқсилли озуқа, айниқса ўт талқони ишлаб чиқариш ҳисобига таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳолбуки кўпчилик областлар бу ишга ҳали киришганлари йўқ. Аҳволни тузатиш, беданинг ҳар бир ўримини вақтида ўтказиш, хом ашёнинг бошқа барча манбаларини сафарбар этиб, барча АВМ ва ОГМ агрегатларининг узлуксиз ва тўла қувват билан ишлашига эришиш керак. Госкомсельхозтехника бирлашмалари хўжаликлардаги мавжуд барча озуқа ўрувчи ва озуқа тайёрловчи техникага хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, уларнинг юксак унумлилигини таъминлаши лозим.

Партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, агросаноат бирлашмалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари озуқа тайёрлаш суръатини кучайтиришга алоҳида эътибор беришлари, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришлари, моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини қўллашлари, жойларда тегишли маданий-маиший шароитлар яратиб беришлари, етарли миқдорда юқори сифатли хилма-хил озуқа тўплаш юзасидан олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини матбуот, радио орқали мунтазам ёритиб боришлари зарур.

(Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— тайёрланган дағал хашак минг тонна ҳисобида,шу жумладан: учинчи устун —пичан, тўртинчи устун— сенаж; бешинчи устун —ишлаб чиқарилган витаминли ўт талқони тонна ҳисобида).

Қорақалпоғистон АССР — Областлар:				
Андижон	1,0	0,7	0,3	
Бухоро	20,2	13,3	6,9	24
Жиззах	4,1	4,1	—	—
Қашқадарё	55,6	17,9	37,9	20
Навоий	34,9	—	34,9	400
Наманган	17,1	9,7	7,4	55
Самарқанд	33,4	13,0	20,4	—
Сурхондарё	96,0	23,6	72,4	120
Сирдарё	26,3	4,0	22,3	22
Тошкент	36,7	2,5	34,7	295
Фарғона	14,8	5,5	9,3	—
Хоразм	2,8	0,9	11,9	—

АРПАГА ЎРОҚ ТУШДИ

Ўзбекистоннинг жанубида ғалла ўрими бошланди. Сурхондарё область Ангор районидаги «Қизил юлдуз» колхози механизаторлари кузги арпа экилган майдонларга машиналарини олиб киришди.

Ғалла алоҳида усулда ўриб олинмоқда. Механизаторлар ўримнинг биринчи куниданоқ юксак иш унумига эришиб, етиштирилган ҳосилнинг тўла сақланишини таъминламоқдалар. Шунингдек Гагарин ва Жарқўрғон районлари далаларида ҳам машиналар ишга тушди.

Ҳозир Сурхон воҳасининг ҳамма ғалла зорларида ўримга киришилди. [ЎзТАГ].

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхозда ғўза парваришн уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Механизаторлар ишда сифатга алоҳида эътибор беришяпти. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш вақтида бир йўла ниҳоллар минерал ўғитлар билан ҳам озиқлантириб кетиляпти. Бу иш, айниқса, тажрибали пахтакор Азиза Собирова бошлиқ бригадада намунали олиб борилаётир. Суратларда: А. Собирова ва ғўзага ишлов бериш пайти тасвирланган.

Ж. Тўраев фотолари.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

● Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари бу йил ҳам пахтадан баракали хирмон кўтариб, КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга ахд қилишган. Шу мақсадда далаларда қизғин кураш кетяпти.

У. Иҳромов бошлиқ бригада заршуносларн 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга бел боғлашган. Ғўза парвариши ана шу ваъдага яраша олиб бориляпти. Ниҳоллар дастлабки ишловдан чиқарилди. Культивация ва озиқлантиришни маромида ўтказишда И. Ризаев, С. Сиддиқов каби тажрибали механизаторлар ғайрат кўрсатишаётир.

Б. Пўлатов бошлиқ бригадада қатор ораларига биринчи ишлов бериш ва озиқлантириш ниҳоясига етказилди. Бунда дала гвардиячиларидан Р. Тўрабоев билан М. Юсуповларнинг хизмати катта бўлди.

— Гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз, — дейди КПСС аъзоси, бригада етакчиси Б. Пўлатов. — Колхозчилар меҳнат интизомига қатъий амал қилиб, ҳар бир юмушни маромида сифатли адо этишга интилишяпти. Комплекс ишловдан кейин суғоришга киришяпмиз. Бизда яганалашга унчалик эҳтиёж йўқ. Аниқ уялаб уруғ ташланган. Шундай бўлса ҳам эгатларни бир бошдан назорат қиляпмиз. Бунда ҳам бегона ўт олиб кетилади, ҳам ниҳоллар бўғзига майин тупроқ тортиб қўйилади, ҳам ортиқча кўчатлар олиниб, бўш уя бўлса чигит ташланади. Райком аъзоси С. Соттибоева ва унинг дугоналари бу ишларни сифатли бажаришаётир.

— Дарҳақиқат шу кунларда ҳар бир соат қадрли, — дейди колхоз партия ташкилоти секретари Ю. Юнусов. —1353 гектар ернинг ҳар гектаридан пландагидан анча ортиқ—45 центнердан қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштириб партиямизнинг бўлажак съездига туҳфа ҳозирламоқчимиз. 34 та чопиқ трактори тўла қувват билан ишлатиляпти. Кунига 135-145 гектар ер ишловдан чиқарилянти. Айрим пайкалларда ғўза чинбарг чиқарганига анча бўлди. Бугун-эртага шоналай бошлайди.

Деҳқон меҳри, қуёш нури ва обиҳаётга қонаётган ниҳоллар кунда бир яшнаётир.

А. ҚОРАБОЕВ.
Наманган области.

Пешқадамлар

Гагарин районида чигит экишни биринчилардан бўлиб, ниҳоясига етказган қўриқ «Навбаҳор» совхози далаларида ғўза ниҳоллари кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Пахтакорлар ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, парваришни кун сайин авж олдиришяпти.

Хўжаликнинг Тўхта Эрмаматов бошлиқ бригадасида, айниқса, иш қизғин. Заршуносларн ғўза парваришида суръат ва сифат бирлигини таъминлаш учун авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Механизаторлар ҳозиргача 40 гектар ернинг 30 гектаридаги ғўзани сифатли культивация қилдилар. Тажрибали механизатор Хушвақт Умиров бир кунда 5-6 гектар майдондаги ниҳолларга ишлов бериша эришаётир.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ САҲИФАСИ:

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Съездга тайёргарлик... коммунистларнинг активлиги ва масъулиятини юксалтиришга, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришга, уларнинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга ва пировард натижада партиянинг раҳбарлик ролини оширишга бутун чоралар билан кўмаклашиши лозим.

(М. С. Горбачёвнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида қилган докладидан).

Урта Осиё темир йўли 1-Тошкент вагон депосининг ёрдамчи-тайёрлаш цехи ишчи ва хизматчилари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати, катта мастер Ҳ. Ҳикматуллаев раҳбарлик қилаётган бу цехда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада формаси жорий этилган. Меҳнат коллективи мунтазам изланиб, ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг янгидан янги резервларини ишга солмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи коммунист Ҳайратулла Ҳикматуллаев (ўртада) ёш ишчилар билан съездолди социалистик мусобақасининг бориши тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

САФЛАРИМИЗНИНГ СЪЕЗДОЛДИ КЎРИГИ

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Шу кунларда барча коммунистларнинг, бутун халқимизнинг куч-ғайрати КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март ва апрель Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XX пленумлари белгилаб берган вазифаларни собитқадамлик билан амалга оширишга, партия XXVII съездини меҳнатда янгидан янги зафарлар билан кутиб олишга қаратилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Пленумда сўзлаган нутқида амалий фаолиятимизнинг жанговар программаси ўзининг аниқ ифодасини топди.

«Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар гражданлик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак», Бу йўл-йўриқларга оғишмай амал қилишни биз партиявий бурчимиз, жонажон ишимиз, деб биламиз. Пленум олдимизга қўйган вазифаларни, беш йиллик якунловчи йилининг режаларини бажариш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашимиз кераклигини тушуниб турибмиз.

Яқинда ферма коммунистларининг йиғилишида шу йилнинг дастлабки якунларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида синчиклаб таҳлилдан ўтказдик. Эришилган натижалар ва унга ким қандай ҳисса қўшганлиги ҳақида ошкора гап борди.

Ферма партия ташкилоти ҳисобида 17 коммунист бор, уларнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилади. Коммунистлар шахсий ибрат кўрсатиб, зардоб меҳнат билан чорвадорлик касбини улуғлаётгандилар. Шулардан бири менга ва кўпгина ёшларга мураббийлик қилган коммунист Асилпошша Отамуродовадир. У ферма партия ташкилотининг секретари, колхоз партия комитети аъзоси.

Асилпошша опанинг коммунистга хос яхши одатлари бор. Ҳамкасблари ютуғидан қувонади, бировнинг нуқсонини сезса, юзига айтади. Партия йиғилишида ҳам, кундалик иш жараёнида ҳам камчиликларга тоқат қила олмайди, хатони тузатишда кишиларга сидқидилдан кўмаклашади.

Мен ҳам бошқалар қатори устоз изидан бориб гапнинг рости, кам бўлмадим, учинчи даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирландим. КПСС сафига қабул қилиндим. Ўтган йили ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини 3800 килограммга етказдим. КПСС аъзоларидан Ровия Иброҳимова, Онажон Қаландарова ва Пошша Мадраҳимовалар ҳам кўрсаткични уч минг килограммдан оширдилар. Илғор соғувчилар шу йилнинг тўрт ойи планини анча ошириб ado этишди. Бу яхши. Аммо, колхоз бўйича кўрсаткичлар кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2800 килограммдан сут олинди, холос. Шу йилнинг тўрт ойида эса сигирлар маҳсулдорлиги ўртача 712 килограммга тушиб қолди.

Районимиздаги Нариманов номли ва Охунбобоев номли колхозларда тўрт ойда ҳар бош сигирдан ўртача 800—900 килограммдан сут олинган бир вақтда, биз нега бунчалик оқсаб қоляпмиз? Коммунистлар бу аҳволдан жиддий ташвишланишди. Ферма партия ташкилоти йиғилишида биз колхоз раиси И. Эгамберганова ҳам, партия комитети секретари И. Раҳмонов, ферма мудири А. Дурдиевларга ҳам эътироз ва талабларимизни, дардимизни данғал айтдик. Маҳсулдорлик учун ҳар бир коммунист, ҳар бир ферма ходими масъулияти оширилди, озуқа цехи иши яхшиланди, сутни кўпайтириш резервлари ишга солинди.

Гапни ферма партия ташкилоти фаолиятидан бошлаганлигим бежиз эмас. Бошланғич ташкилотлар — партиямизнинг асоси. Улар план ва мажбуриятларнинг тақдири бевосита ҳал қилинадиган жойларда иш олиб боришади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев айтганидек, юқоридан қўйигача барча партия ташкилотларининг қизғин, ижодий ишлашини замон талаб қилмоқда.

Сут етиштириш кўрсаткичлари пасайганлиги тўғрисида ғап борганида, ферма раҳбарларидан бири рақамлар ҳақиқий эканлигига, қўшиб ёзиш, қалбакичилик йўқотилганига шама қилди. Бундай бўлиши қонуний. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Қолоқликни бундай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Вазифа — ростгўйлик ва ҳалол йўл билан тобора яхшироқ натижаларга эришишдан иборат. Натижалар эса кадрлар маҳоратига, уларнинг ишчанлик, принципиаллик сифатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугун биз дадил айта оламизки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида кадрларнинг сифат состави яхшиланди, уларнинг топширилган иш учун масъулияти оширилди. Шу билан бирга, бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим.

Мен оддий чорвадорман. Аммо обком аъзоси сифатида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида партия ташкилоти олиб бораётган ишларнинг қатнашчиси эканлигимни, зиммамдаги бурч ва масъулиятни ҳис қилмаслигим мумкин эмас. Коммунистларнинг КПСС Устави талабларини, ўз гражданлик бурчларини қандай ado этаётганликлари, кадрларнинг фаолияти ва маънавий қиёфаси кўплар қатори мени ҳам тўлқинлантиради.

Афсуски, эски, яроқсиз иш услубидан воз кечмаган, кўзбўямачилик ва бошқа хил суиистеъмолларга йўл қўяётган ходимлар баъзан учраб туради.

Урганч район партия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси бош агрономи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Қурбонбой Шариповни «СССР 50 йиллиги» колхози раислигига тавсия қилди, колхозчилар уни правление раислигига сайладилар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар колхозчиларнинг ва партия ташкилотининг умиди катта эди. Аммо, Қ. Шарипов топширилган иш учун масъулиятни ҳис қилмай қўйди, кибр-ҳавога берилиб кетди. Колхоз партия комитети, правление аъзолари билан ҳисоблашмай, ўзбошимчалик қилаверди, колхозчилардан узоқлашди. Сохта шуҳрат кетидан қувиб, қонунга ҳилоф ишларга қўл урди, жамоат ерини талон-торож қилди, алдамчилик ва қалбакичиликни авж олдирди. Ниҳоят, қинғир ишларнинг қийиғи чиқди. Қ. Шарипов партия сафидан ўчирилди, колхоз раислигидан олиб ташланди, устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бундай фактлар яккаягона эмас. Урганч районидаги «Комсомол» колхозининг собиқ раиси Б. Каримов ҳам колхозчилар ҳақига, жамоат бойлигига кўз олайтирганлиги учун жавобгарликка тортилди. Қонун бузилганини кўра туриб, ўзини билмаганликка олган кишилар ҳақида чима деса бўлади? Иллатни газак олдириш ана шу бетарафлик ва лоқайдликдан келиб чиқмайдими?

Мен юқорида оддий чорвадор, КПСС аъзоси Асилпошша Отамуродованинг ростгўйлиги, хато ва нуқсонларга муросасизлигини айтиб ўтдим. Қани, ҳар бир коммунист шундай принципиал, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлса. Ахир, ҳар гал йиғилишда оғзига талқон солгандек жим ўтирадиган, таниқдан, тўғри сўзлашдан чўчийдиган, бошқалар қўл кўтарса қўлини кўтариб, туширса тушираднган пассив коммунистлар ҳам йўқ эмас-ку.

Ҳалоллик, софдиллик ҳақида ҳадеб гапиравериш баъзиларга одат бўлиб қолган. Бунинг фойдаси кам. Сўзда эмас, амалда тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан тозалаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг виждоний ишимиз, гражданлик бурчимиздир.

Кадрлар — партиямизнинг олтин фонди. Уларга катта ишлар ишониб топширилган. Ишонч билан масъулият муштарак эканлигини ҳамиша эсда тутайлик. Партия билан халқнинг ишончини оқлаш — масъулиятли ва шарафли бурчимиз. Ана шу бурч бизни олға чорлайди. Ватан бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга руҳлантиради.

Ойбиби РЎЗИМОВА,
Урганч районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчиси, Хоразм область партия комитети аъзоси.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ВИЖДОН АМРИ

Коммунист Ёқубжон Марасуловнинг ҳаёт йўли оддийгина. 1961 йили ўрта мактабни битирди. Москва районидаги «Победа» колхозида ишлади. Кейин район колхозлараро қурилиш бошқармасига ишга ўтиб, экскаватор машинистига шогирд тушди.

Мана, ўт етти йилдирки, у «Андижанирстрой» трестига қарашли Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармасида катта экскаватор машинисти. Бугун у номи республикага танилган экскаваторчи. СССР Давлат мукофоти лауреати...

Ёқубжон Марасулов экипажи тўрт кишидан, ўзи ва уч шогирди: Мадаминжон Абдуллаев, Акмалхон Ҳошимов, Ҳалимжон Сулаймоновлардан иборат. Ҳаммаси ишбилармон, сермулоҳаза. Экипажнинг шон-шуҳрати учун астойдил изланмоқдалар.

Ишчан коммунист Марасулов ўз ишининг устаси. Ў ишлаётган бошқарма коллективи Андижон области хўжаликларидаги жамики зовурлар, коллекторларни тозалайди, паст-баланд далаларни текислайди. Бу билан ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бундай иш системасида техника қувватидан тўла фойдаланиш, меҳнат унумини ошириш жуда муҳим. Ёқубжон Марасулов шу ҳақда кўп ўйлаб, «Э-304» маркали экскаваторнинг «умри»ни узайтириш йўллари ни топди. Жорий ремонт муддатини қисқартирди. У ремонт учун сарфланадиган вақтни 14 соатдан 8 соатга келтирди, экскаваторнинг капитал ремонтсиз узоқ ишлашини таъминлади.

Серғайрат коммунист иш вақтининг ҳар бир минутини қадрлаш ташаббуси билан чиқди. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу ташаббуснинг моҳияти намоён бўлади. Минутлар гўё экономикамиз тараққиётининг зиналарига ўхшаб кетади. Ёқубжон ана шу кўз илғамас имкониятдан тўғри фойдалана билди.

— Бунга тўққиз йил бўлди,— дейди Марасуловнинг ҳамкасби Йигитали Абдуллаев. — Бошқармамиз коллективи ўнинчи беш йиллик учун социалистик мажбурият қабул қилиш учун тўпланган эди. Шунда кўпчилик ишчилар қатори Марасулов ҳам сўз олди:

— Мен кунлик топшириқни бир ярим баравар ошириб бажаришга эришяпман. Ўйлаб кўрсам бу чегара эмас экан. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдим. Агар кунлик топшириқни 200 процентдан бажариб борсам, ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик ишни уддалашим мумкин экан...

Шунда кўпчилик Ёқубжон катта кетмадимикин, деб ўйлади. Лекин унинг ориятли, бир сўзли эканлигини яхши билардик.

Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг делегати Марасулов биринчи марта шундай катта мажбурият олди ва илғор экскаваторчи Саид Тўйғелдиновни мусобақага чақирди. У бу чақириқни бажонидил қабул қилди.

Мусобақадошлар енг шимариб иш бошладилар. Мусобақада дам Марасулов экипажи, дам Тўйғелдинов экипажи олдинда борди. Бошқармада уларнинг Набижон Мўминов, Ашурали Маллабоев, Садриддин Мўйдинов каби издошлари кўпайди. Энг муҳими, бу мусобақа ҳар икки экскаваторчига ҳам катта ғалаба келтирди.

Ё. Марасулов ташаббус бошлаган биринчи йилиёқ 110 минг кубометр ўрнига 279 минг кубометр, келгуси йилларда эса ундан ҳам кўпроқ тупроқ ишларини бажарди. Москва, Бўз, Балиқчи районларида кўп зовурларни тозалаб берди. У ҳар бир йилда икки йиллик ишни уддалайверди. Областда биринчи бўлиб, ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик ишни бажарди.

Меҳнатсевар коммунист ўн биринчи беш йилликнинг бошида ҳам икки беш йиллик планни бажаришга сўз берган эди. У сўзининг устидан чиқди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги байрамини катта меҳнат совғаси билан нишонлади. 1 миллион 100 минг кубометр тупроқ ишларини адо этиб, икки беш йиллик шахсий топшириғини бажарди. Марасулов экипажи тўрт йилда 18 тонна ёнилғи, 500 сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қолди. У бу ютуққа иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш, ички резервларни ишга солиш, илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш ҳисобига эришди. Тўрт ёш ишчи: Баҳодир Мамажонов, Отабек Иброҳимов, Йигитали Абдуллаев, Неъматжон Ҳошимов Марасуловдан экскаваторчилик касбини ўрганди.

Меҳнат қилган — элда азиз. Ҳалол меҳнат Ё. Марасуловга бахт, обрў келтирди. Машҳур экскаваторчи бир неча йилдан бери социалистик мусобақа ғолиби. У Москва район партия комитети аъзоси, Шаҳрихон шаҳар Советининг депутати. Кўксида III даража Меҳнат Шуҳрати ордени, Шавкатли меҳнати учун медали. Унинг мусобақадоши С. Тўйғелдинов ҳам катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Тўрт йил-у тўрт ойда 1 миллион 25 минг кубометр тупроқ ишларини бажариб, ҳозир 1990 йилнинг май ойи ҳисобига ишлаяпти.

КПСС XXVI съезди делегати бўлган Ёқубжон Марасулов йил охиригача яна 110 минг кубометр тупроқ ишларини бажариб, партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАШАББУС ВА ИШЧАНЛИК КЎРСАТИБ

Партиямиз навбатдаги съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда коммунистларнинг ташаббускорлиги ва авангардлик ролини ошириш, айниқса, муҳимдир. Корхонамиз бошланғич партия ташкилоти ўз диққат-эътиборини ана шунга қаратмоқда.

Фабриканинг донгдор тикувчиси, партия аъзоси Лидия Кимнинг номини кўпчилик яхши билади. Бу ташаббускор коммунист ҳозир икки беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариб, 1991 йилнинг июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Лидиянинг ютуқлари билан ҳар биримиз фахрланамиз. Корхонанинг энг донгдор кишиси — коммунист эканлигини, у ўзининг шахсий ибрати билан бошқаларни ҳам фидокорона меҳнат қилишга даъват этаётганини бутун коллектив яхши билади. Сафимизда бундай фидокор қизлар оз эмас. Фабрикамиз чеварларидан 52 киши беш йиллик планларини муваффақиятли ado этганлиги тўғрисида рапорт берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленуми материалларида ҳар бир соҳада қолоқларсиз ишлаш лозимлиги, ҳар бир иш ўрнида план ва топшириқларнинг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Биз агар ўз фаолиятимизга ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда назар ташлайдиган бўлсак, орамизда ҳали ҳам ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилмаётган кишилар борлиги кўринади. Яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишда коллективни орқага тортаётган ана шундай кишилар танқид остига олинган эди. Шулардан бири —6-агрегат бошлиғи Гулсара Йўлдошеванинг ишга масъулият билан ёндашмаганлиги сабабли агрегат коллективи кейинги пайтларда ойлик планларини мунтазам бажара олмай, қолоқлар сафига тушиб қолди. Шунингдек, Карима Маъдиева бошлиқ коллектив ишида ҳам олдинга силжиш ўрнига план топшириқларни бажармаслик ҳоллари рўй бера бошлади.

Қолоқликка қарши курашиш—ҳар бир коммунистнинг асосий вазифаси. Биз йиғилишда ана шулар ҳақида очиқчасига гаплашиб олдик ва бундан буён амалга ошириладиган ишлар режасини белгиладик.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари бизларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Ўз ишимизга, жамоат ишларимизга чуқурроқ масъулият билан ёндашишга даъват этди. Биз бунга жавобан КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Г. БЕКПЎЛАТОВА,
Ғулистондаги Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси тикувчи-мотористи.

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

ПРИНЦИПИАЛЛИК ЕТИШМАГАЧ

Самарқанд область партия комитети бюросининг ўтган йили апрель ойида бўлиб ўтган мажлисида КПСС XXVI съезди қарорлари асосида Оқдарё район партия комитетининг кадрлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий активлигини ошириш борасидаги фаолияти атрофлича муҳокама этилган эди. Бюрода бу муҳим соҳада район партия комитети талабчанлик ва қатъият кўрсатмаётганлиги, соғлом танқид ва ўз-ўзини танқиднинг таъсирчан кучи эътибордан четда қолаётганлиги, партиявий-ташкилий ҳамда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишларида юзакичилик қилиб келинаётгани қаттиқ танқид қилинди. Хўш, ўтган бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида райком бу соҳадаги фаолиятида жиддий ўзгариш ясадими! Обком бюроси қарорини амалга ошириш учун қандай ишлар қилинди!

Оқдарё район партия комитети обком қарори ижросига киришиб, кенгайтирилган тадбирлар планини тузди. Унда эскича иш услубларидан воз кечиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни жонлантиришнинг муҳим қирралари — пленумлар, бюро мажлисларини жанговар руҳда ўтказиш, коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни қатъий ҳисобга олиш, меҳнаткашлар таклиф ва истаклари, ариза ва шикоятлари билан ишлашни яхшилаш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш каби масалалар қамраб олинди. Бироқ бу муҳим вазифаларни амалда ҳал этишга келганда райком кутилгандек қатъият кўрсатмади. Масалан, райкомнинг VI пленумида коммунистлар томонидан билдирилган 78 та танқидий мулоҳазадан шу пайтгача атиги 26 таси ўрганилгани ва ижро этилгани ишда аниқ маром йўқлигини кўрсатади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларини ўрганишга бағишланган бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида райком адресига айтилган 38 та танқидий мулоҳазадан атиги 8 тасигина бажарилди, холос. Райкомнинг бюро мажлисларида партиявий жазо берилган 9 раҳбардан бирортаси ҳам бошланғич ташкилотларда, коммунистлар ўртасида муҳокама этилмади.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида районнинг социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида жиддий камчиликлар содир бўлгани сир эмас. Ишлаб чиқаришда давлат, меҳнат, план интизомининг бузилиш ҳоллари рўй берди. Пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка йўл қўйилди. Район пахтачилигида ривожланиш ўрнига тобора оқсаш содир бўлди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 25,7 центнердан ҳосил олиниб, пахта тайёрлаш плани атиги 85,6 процент бажарилди, холос.

Ачинарлиси шундаки, кўпгина раҳбарлар қишлоқ хўжалигининг муҳим масалалари билан шуғулланиш ўрнига хотиржамлик кайфиятига берилдилар. Оқибатда районда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари ҳам бажарилмади.

Район партия комитетининг ўтган йилги пленумларида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга амалий ёндашилмоғи, мавжуд аҳволга танқидий баҳо берилмоғи ва камчиликларни тугатиш, резерв ва имкониятларни ахтаришга қаратилган муҳим ҳаётий қарорлар қабул қилинмоғи лозим эди. Бунинг ўрнига йиғилишларда кўпинча мақтов сўзлари янгради. Ютуқлар бўрттирилди, камчиликлар хаспўшланди.

Район партия комитетининг VI пленуми ўтган йил айни ёз палласида — қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида иш қизиган пайтда ўтди. Унда партия, давлат, меҳнат интизомини яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини такомиллаштиришдек муҳим масала муҳокама этилди. Бу ҳақда район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Искандаров доклад қилди. Очиғини айтганда, пленум қатнашчилари доклад мазмунидан унчалик қониқишмади. Коммунистлар докладда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидаги жанговар руҳ акс этишини, район иқтисодий-молиявий ҳаётидаги жиноятлар, ошна-оғайничиликка берилган, бойлик кетидан қувган раҳбар шахсларнинг айблари тўла очиб ташланиши, меҳнат коллективларида тартиб-интизом бузилаётганининг сабаблари фош қилинишини кутган эдилар. Аммо докладчи халқ хўжалигидаги эришилаётган ютуқларга иложи борича кенгроқ тўхталиб, камчиликларни четлаб ўтишга, танқидий мулоҳазаларни юмшатишга ҳаракат қилди.

Ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коллективларда пок маънавий-ахлоқий муҳит яратиш кўп жиҳатдан раҳбар кадрларга боғлиқдир. Аммо район партия комитети кадрлар сиёсатини олиб боришда ленинча нормаларга амал қилмаётир.

Коммунист И. Маликовни «Гулистон» колхози раислигига район партия комитетининг ўзи тавсия этганди. Афсуски, кўп ўтмай шахсий характери, маънавий дунёқараши батафсил ўрганилмаган бу шахс ўзини «кўрсата бошлади». Раисликка сайланган Исроил Маликов талтайиб кетди, колхозчиларни менсимай қўйди. Хўжалик механизмини қаттиққўллик билан одилона бошқариш у ёқда турсин, коллектив мулкига хиёнат қилди. Хўш, ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйган бу шахсга нисбатан райком қандай позицияда бўлди? Умуман олганда, район партия комитети И. Маликовни ножўя хатти-ҳаракатлари, хусусан, хўжаликка раҳбарлик қилишдаги масъулиятсизлигига нисбатан жиддийроқ муносабат билдиришга шошилмади. Район раҳбарлари орасида ҳатто уни ҳимоя қилувчилар ҳам топилиб қолди. Оқибатда колхознинг анча маблағи талон-торож қилинди. Ниҳоят, область партия комитетининг аралашувидан сўнггина И. Маликов вазифасидан озод этилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Танқид, ўз-ўзини танқиднинг тарбиявий роли унутилгани шунга олиб келдики, анчагина ҳурмат топган, ташкилотчилиги билан танилган кўпгина хўжалик раҳбарлари манманликка юз тутдилар. Айни пайтда Н. Исроилов, И. Невараев сингари раислар эски шуҳратлардан эсанкираб, хўжалик ишлари билан жиддий шуғулланмай қўйишганлиги район партия комитети томонидан муносиб баҳоланмади. Улар бошқарган «Коммунист», Карл Маркс номли колхозларда меҳнат интизоми издан чиқиб, хўжаликлар қолоқлик ботқоғига бота бошлагачгина, райком ташвишга тушди. Ҳар иккала раис алмаштирилди. «Оқдарё», «Даҳбед» совхозларининг директорлари А. Одилов, Н. Хўжановлар ҳам раҳбарлик масъулиятини йўқотганликлари учун партиявий жазо олдилар. Афсуски, бу чоралар анча кеч амалга оширилган эди.

Район партия комитети ишида талабчанлик ва принципиаллик етишмагач, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳам сусайиб кетди. «Даҳбед» совхози, «Коммунист», «Гулистон» колхозлари, район агросаноат бирлашмаси, электр тармоқлари идораси, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, йўл қурилиш бўлими партия ташкилотларида ўтаётган йиғилишларда танқид фақат юқоридан қўйига қаратиладигаи бўлиб қолди. Танқид учун таъқиб қилиш ҳоллари кучайди. «Партия XXII съезди» колхози, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси партия ташкилотлари раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари билан келишувчилик қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XX пленумларида танқид ва ўз-ўзини танқид кадрларни тарбиялаш, камчиликларни аниқлаш ва тузатишнинг таъсирчан воситаси, партиявий таъсир кўрсатишнинг ўткир қуроли эканлиги алоҳида таъкидланди. Шундай экан, Оқдарё район партия комитети ленинча иш услубини ҳамма ерда қарор топтириш, унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини ошириш, меҳнат коллективларида камчиликларга нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўриши керак.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1985 йилги СССР Давлат мукофотини олиш учун конкурсда иштирок этишга қўйилган номзодлар рўйхатини эълон қилди. Улар орасида республикамиз намояндалари ҳам бор:

ҚАЙИПБЕРГЕНОВ Тўлепберган. «Қорақалпоқ достони» трилогияси: «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар».

«Дружба народов» журнали редколлегияси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи тақдим этган.

РАҲИМОВ Муҳиддин. Қадимги, ўрта аср ва ҳозирги замон мотивлари асосида яратилган серияли сопол буюмлар.

Ўзбекистон Рассомлар союзи, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти тақдим этган.

СССР Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар билан атрофлича танишиш учун СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети радио ҳамда телевидение орқали туркум эшиттиришлар ташкил этади, СССР Кинематография давлат комитети эса мамлакат кинотеатрларида мукофотга қўйилган кинофильмларни намойиш қилади. Тасвирий санъат асарлари махсус кўргазмаларда намойиш этилади, уларнинг очилиши ҳақида алоҳида эълон берилади.

Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитети ижодий ҳамда жамоатчилик ташкилотларига, маданият муассасаларига, илмий-тадқиқот институтларига, шунингдек, газета ва журналлар редакцияларига мурожаат қилиб, конкурсга тавсия этилган асарларни шу йилнинг 15 августига қадар муҳокама этишни уюштиришларини илтимос қилади.

Конкурсга тақдим этилган асарлар юзасидан барча фикр-мулоҳазалар, жамоатчилик муҳокамасининг материаллари қуйидаги адресга юборилиши лозим: **101414, ГСП—4, Москва, Неглинная кўчаси, 15-уй.**

Илмий муаммоларни комплекс ҳал этайлик

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ССР География жамиятининг навбатдаги иккинчи съезди очилди. Унда ўтган беш йил мобайнида республикамиз географлари эришган ютуқлар сарҳисоб қилиниб, 1986—1990 йилларда амалга оширилдиган илмий ва амалий ишларнинг режалари белгилаб олинади.

Республикамиз географлари биринчи съезддан буён ўтган давр мобайнида қатор актуал муаммолар устида самарали изланиш олиб бордилар. Бу борада эришилган илмий ютуқларнинг натижалари 1986—1990 йилларда ва ундан кейинги даврда халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади. Илмий-тадқиқот ишларининг аксарияти табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, турли географик атласлар яратиш, гидрологик изланиш ва музликларни ўрганиш, табиий ҳодиса ва офатларнинг олдини олиш, нуфус масалалари, ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси География бўлимининг мутахассислари СССР Фан ва техника давлат комитетининг топшириғига биноан Орол бўйи ва Орол денгизига тааллуқли проблемалар, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга буриш муаммолари, мукаммал географик атласлар яратиш ва бошқа қатор масалалар устида иш олиб бориб, белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли адо этдилар. В. А. Бугаев номли Ўрта Осиё илмий-текшириш институти коллективи эса Ўзбекистонда об-ҳавони прогнозлаш, қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, ғўзанинг ривожланишига агрометеорологик омилларнинг таъсирини ўрганиш, дарё, кўл ва музликларни ҳамда иқлимий жараёнларни тадқиқ этиш борасида маълум ютуқларга эришдилар.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети география факультетининг профессор-ўқитувчилари табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан тежабтергаб фойдаланиш, табиий шароитни қишлоқ хўжалик нуқтаи назаридан баҳолаш, ишлаб чиқаришни территориал ташкил қилишни мукаммаллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари, чўл, тоғолди ва тоғли территорияларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш, аҳолини жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби қатор муаммолар устида чуқур илмий изланишлар олиб бориб, республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга мувофиқ улуш қўшмоқдалар.

Табиатни муҳофаза этиш, номатлуб табиий ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларга қарши кураш тадбирларини илмий асослаш, малакали ўқитувчилар тайёрлаш каби масалалар устида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали географлари, Нукус ва Самарқанд давлат университетлари, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қарши, Наманган, Хоразм давлат педагогика институтларининг коллективлари ҳам кенг кўламда ижодий иш олиб бормоқдалар.

Мактаб ислоҳоти муносабати билан замонамиз талабларига мос янги ўқув қўлланмалари, дарсликлар, географик атласлар, карталар ва ўқув фильмлари яратиш борасида бирмунча ишлар қилинди. Айни чоғда юқори малакали кадрлар — фан кандидатлари ва докторлари тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берилди.

Лекин фаннинг шу соҳаси олимлари олдида ҳал этиш лозим бўлган талайгина муаммолар бор. Жумладан, Ўрта Осиёда Қозоғистон билан қўшиб ҳисоблаганда суғориладиган ерлар 8,5 миллион гектардан ортади. Фақат Орол денгизи ҳавзасидаги ерларни суғоришнинг ўзига йилига 105—110 кубокилометр сув сарф қилинмоқда. Бу мазкур ҳавзадаги йиллик сув сарфининг 85 процентини ташкил қилади. Шуниси ҳам борки, халқ хўжалигида сув ресурсларидан кўп миқдорда фойдаланиш туфайли Орол денгизи, Балхаш кўли, Иссиқкўл ва бошқа сув ҳавзаларининг сатҳи кескин пасайиб бормоқда. Дарёларнинг қуйи оқимида сув танқислиги сезилиб, экологик шароитлар ўзгармоқда. Натижада турли номатлуб ҳодисалар юз бермоқда: табиий тўқайзор ва яйловлар камайиб, шўрҳок ерлар ва қумли чўллар майдони кенгаймоқда.

Қуйи Амударё ва Сирдарёда юз бераётган кенг миқёсдаги табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туб моҳияти билан ушбу жойларда 60-йилларда бошланган сувнинг камайиб, шўрлиги ортиб бориши билан боғлиқдир. Ана шу номатлуб ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида табиий комплексларни сув билан таъминлаш чорасини кўриш керак. Сув танқислиги мавжуд бўлган ҳозирги шароитда Амударё дельтасининг ғарбий қисмини шу региондаги зовур сувлари ҳисобига обиҳаёт билан таъминлаш зарур. Бунинг учун Сариқамиш кўлига оқаётган коллектор сувлари Судочье кўлига бурилса, қовжираб бораётган қамишзорлар яна серҳосил ўтлоқ ва яйловга айланиб, кўлларда балиқчилик ва ондатрачиликни қайта тиклашга эришиш мумкин.

Орол денгизининг қуриган қисмидан атрофга шамол таъсирида ёйилиб бораётган туз ва қумларни тўхтатиш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Қашқадарё, Зарафшон, Чоржўй, Қорақалпоғистон воҳаларида зовур сувларини йиғувчи магистрал коллектор барпо этиб, сувни денгизга келтириш катта наф беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга буриш бўйича лойиҳа ишларини тугатиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. 2230 километр узунликдаги, дунё ирригация практикасида кўрилмаган бу улкан канал қурилиши лойиҳачилар ва олимларнинг муайян комплекс программа асосида иш олиб боришларини талаб этади. Ўзбекистонда ушбу ноёб канал Оқчадарё дельтаси ва Шимоли—Ғарбий Қизилқум территорияси орқали ўтиб, Эллиққалъа районида икки тармоққа ажралади. Биринчиси Туямўйин сув омборига, иккинчиси эса Беруний районида орқали Амударёга етиб боради. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда республикамизга ушбу канал орқали йилига келтириладиган 9,1 кубо километр обиҳаёт қуйи Амударёда суғоришни ривожлантиришга сарф этилади.

Мутахассисларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Оқчадарё дельтасида ва Шимоли-Ғарбий Қизилқумда канал ишга туширилиши билан сув шимилишининг атрофга таъсири жойнинг табиий шароитига қараб, 3—10 километргача боради. Канал таъсири минтақасида табиий шароитларнинг ўзгариши янги географик комплексларни вужудга келтиради. Бундай ҳодиса ҳозир Қорақум каналининг ишга туширилган қисмида кузатилмоқда.

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари кўрсатмаларида суғориладиган ерларнинг майдонини кенгайтириш билан бир қаторда фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш асосида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кўтариш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, суғорилаётган ерларнинг унумдорлиги ҳамма жойда юқори даражада бўлганда эди, пахта, шоли ва бошқа экинлардан ҳозиргига қараганда анча мўл ҳосил етиштириларди. Республикамизда тупроқ-мелиоратив шароити оғир салкам 600 минг гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги гектарига 14—22 центнерни ташкил қилмоқда. Эрозияга учраган суғориладиган майдонларда тегишли мелиоратив тадбирларни қўлланиб, тупроқ унумдорлиги нормал ҳолатга келтирилса, республикамиз бўйича етиштирилаётган пахта хирмони янада юксакроқ бўлади.

Кейинги вақтларда автомобиль транспорти ҳаракати, геология-қидирув ишлари кўлами кенгайиб, эрозия ҳодисаси текис яйловларда ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун йирик аҳоли пунктлари ва чорва фермалари оралиғида асфальтланган йўллар қуриш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиёда сув танқислиги жиддийлашиб бораётган бир вақтда дарё сувлари зовур ва оқава сувларнинг ташланишидан ифлосланмоқда.

Дарё сувини доимо соф ва мусаффо сақлаш, зовур сувларини биологик, техник ва бошқа усуллар билан тозалаб, маданий ўсимликларни суғоришда улардан фойдаланиш устида тадқиқот ишларини олиб бориш катта амалий аҳамиятга молик. Йилига 14 кубокилометр зовур суви бекорга бўғланиб, шимилиб йўқ бўлиб кетаётганини алоҳида таъкидламай бўлмайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш мақсадида мамлакат миқёсида ягона комплекс программа асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш давр тақозосидир. Республикамиз географлари келаси беш йилликда СССР Фан ва техника давлат комитетининг кўрсатмасига мувофиқ Ўзбекистон миқёсида табиатни муҳофаза қилиш, уни янада бойитиш, табиий бойликлардан интенсив фойдаланиш натижасида юз берадиган ҳар қандай салбий оқибатларни бартараф этиш, жойлардаги экологик мувозанатни сақлаб туриш ва ресурслардан фойдаланишнинг регионал схемаларини илмий асослаш муаммолари устида янада фаол иш олиб борадилар.

Табиатни муҳофаза қилишга комплекс ёндашишга тўғри келади. Негаки, табиий компонентлар (геологик замин, сув, ҳаво, ўсимлик, тупроқ) бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли муаммони бир томонлама, яъни маълум бир компонент бўйича ҳал қилиш кўзланган мақсадни бермайди. Худди шунинг учун ҳам табиий муҳитни оптималлаштиришда унга комплекс ёндашиш, бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш юзасидан ҳар томонлама амалий иш олиб бориш фан-техника тараққиёти тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги босқичда асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

О. АКРОМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

З. АКРАМОВ,
география фанлари доктори.

А. РАФИҚОВ,
география фанлари кандидати.

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ СИЗГА МАНЗУРМИ?

ЯНГИ БОСҚИЧ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «1986-1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда телефон алоқасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига телефон алоқаси хизматини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида телефон алоқаси хизмати 1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган комплекс программанинг таркибий қисми эканлиги алоҳида қайд қилинди.

Дарвоқе, ҳозирги кунда республикамизда телефон алоқаси хизмати қай аҳволда? Аҳолининг тармоқ хизматига нисбатан ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, телефон хизматини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида қандай режалар кўзда тутилмоқда? Уларни партия ва ҳукуматимиз талаб қилган даражада муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги ишимизга халақит бераётган тўсиқлар борми?

Мухбиримиз Н. САЪДУЛЛАЕВ Ўзбекистон ССР алоқа министри ўртоқ К. Р. РАҲИМОВдан ана шу саволларга жавоб ўрнида республикамиз телефон алоқаси хизматини қисқача шарҳлаб беришни сўради.

— Аҳолининг телефон алоқаси хизматига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида республикамиз шаҳар, қишлоқ ва шаҳарлараро алоқа тармоқларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик давомида шаҳар ва район марказларида 252,4 минг, жумладан, Тошкент шаҳрида 60,7 минг номерли қувватга эга янги телефон станциялари ишга туширилди. Телефонлар сони 1,31 баравар ўсди, 159 минг телефон аппаратлари ўрнатилди. Бунинг 125 мингтаси аҳоли хонадонларига (шу ҳисобдан 23 мингтаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига) ўрнатиб берилди. Ҳозирги кунда республикамизда 1 миллиондан ортиқ телефон точкалари бўлиб, бунинг 760 мингтаси шаҳар ва район марказларида, 240 мингтаси эса Тошкент шаҳрида ўрнатилган.

Ўн биринчи беш йиллик бошида телефон аппаратлари зичлиги республикамиз шаҳарларида ҳар юз аҳолига мамлакатимизда ўртача кўрсаткичи —11,83 тага нисбатан 8, 51 тани ташкил этарди. 1981-1984 йилларда эса аҳоли телефон аппаратлари зичлиги ўртача Иттифоқ кўрсаткичи —12,9 тага нисбатан 9,45 тага етди. Қишлоқ жойларида телефонлар сони 1,65 баравар ўсди. 665 хўжаликда ички ишлаб чиқариш-алоқа тармоқлари кенгайтирилди ва реконструкция қилинди.

Республикамиз алоқачилари фаолиятига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарор нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда таъкидланганидек, **«аҳолининг телефон алоқаси хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳозирча тўлиқ қондириладиган йўқ».** Республика шаҳарлараро телефон алоқасида кабель ва радиореле тармоқлари ривожи кўнгилдагидек эмас. Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент областларининг айрим шаҳарлари ва район марказларидаги тармоқлар умумреспублика кўрсаткичи даражасидан ҳам паст бўлиб, 57,7 процентни ташкил этади, холос. Қишлоқ жойларда ҳар юз аҳолига шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати кўрсатаётган корхоналар сони ўртача Иттифоқ кўрсаткичидан 2,5 баравар кам. Айни пайтда айрим алоқа корхоналари раҳбарларининг айби билам мавжуд автомат-телефон станциялари қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тошкент шаҳридаги 66-, 35- автомат-телефон станциялари ишидан абонентлар кўплаб шикоят қилмоқдалар.

Яқин келажакда янги алоқа кабеллари ва радиореле линияларн қуриш, мавжудларини тиғизлаштириш кўзда тутилган. Бу эса кабель ва радиореле линиясига эга шаҳар ва район марказлари сонини 97 процентга қадар ошириш, район-область марказлари оралиғидаги алоқа каналлари сонини кўпайтириш, пировардида, республикамизнинг 11 областида тўла автоматлашган алоқа зоналари вужудга келтириш имконини беради. Бешта областда қатор шаҳарлараро автоматлашган телефон станциялари барпо этилади. Қишлоқ аҳолисига шаҳарлараро телефон алоқаси хизматини ривожлантириш йўлида кўплаб автомат-телефонлар ўрнатилади. Абонентларнинг шаҳарлараро телефон алоқаси автоматлаштирилади.

Шунингдек, келгусида қуввати 550 минг номерли шаҳар автомат-телефон станциялари ишга туширилади. Буларнинг 200 мингтаси Тошкент шаҳрига мўлжалланган бўлиб, республикамизда телефон аппаратлари тиғизлиги ҳар юз аҳолига 13,84 тага чиқади, Айнан шу кўрсаткичлар бўйича орқада қолаётган Самарқанд, Навоий, Наманган областларидаги қолоқликка чек қўйилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўрсатмаси билан қишлоқ жойларда телефон алоқаси хизмати янада кенг ривож топиб, келажакда барча областларда ҳар юз аҳолига ўрнатилган телефон аппаратлари тиғизлиги янада ошади. Телефон аппаратлари тиғизлиги ўртача республика кўрсаткичидан ҳам паст бўлиб қолаётган Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон областларида телефон тармоқлари тараққиёти ҳар қачонгидан тезлаштирилади. Район марказларидан тортиб борилган телефон тармоқлари ҳисобга олинмаганда, ўз телефон станцияларига эга бўлмаган янги совхозларда автомат-телефон станциялари барпо этилади.

Очиқ айтиш керакки, ҳозирги кунда республикамиз меҳнаткашларининг телефонга бўлган 300 мингдан ортиқ буюртмасини қондиролганимиз йўқ. Биргина Тошкент шаҳрида телефон ўрнатиб бериш ҳақида 130 минг кишининг аризаси бор. Тўғри, бу эҳтиёж, талаб ва аризаларнинг муайян қисмини мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин. Бироқ биз, алоқачилар баъзан ўзимизга боғлиқ бўлмаган айрим муаммолар туфайли ишимизда сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгариш ясай олмаяпмиз. Масалан, республикамиз шаҳарларида 5 мингдан ортиқ кўп қаватли турар-жойлар (бунинг 1,2 мингтаси Тошкент шаҳрида) қатор йиллардан буён маҳаллий Советлар ижроия комитетлари томонидан ички квартал телефон тармоқларисиз фойдаланишга топшириб юборилган.

Бугунги кунда ана шу турар жойлар остида ер ости коммуникациялари ўтказиш ғоят мушкул иш бўлиб, у жуда узоқ вақтни ва кўп меҳнатни талаб қиляпти. Қанчадан-қанча ям-яшил массивлар, асфальт қопламалар, мўъжазгина хиёбонлар, майдонлар қўпориб ташланмоқда. Баъзан буюртмачилардан: «алоқа линияларини ҳаво орқали ҳам олиб ўтиш мумкин-ку» деган эътироз-лар эшитиб турамиз. Тўғри, мумкин. Лекин сераҳоли шаҳарларда, айниқса, кўпқаватли уй-жой кварталларида тепадан тортилган алоқа линиялари ишимиз сифатини таъминлай олмайди. Қолаверса, бунинг учун имкон ҳам йўқ. Юксак кучланишли электр линиялари, ҳар хил тўлқинлар иш сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Натижада телефон эгалари кўп ўтмай яна алоқа хизматидан шикоят қилишга тушишлари, шубҳасиз.

Энди телефон алоқаси хизмати корхоналари қурилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтайлик. Бу соҳада Тошкент шаҳар ижроия комитети адресига жиддий эътирозларимиз бор. Ҳам олиш керакки, беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида ижроия комитет билан ҳамкорликда анча-мунча ишлар қилдик. Чунончи, шу давр ичида қуввати 60,7 минг номерли телефон станциялари ҳаракатга келди. Улардан фойдаланиш коэффициенти 91 процентга етди. Бироқ республика партия ва ҳукуматининг беш йиллик бошидаги кўрсатмаларига кўра шаҳарда ишга туширилиши керак бўлган, қуввати 120 минг номерли телефон станцияларини фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Бундай узилишнинг бош сабаби тармоқ қурилишларига ажратилаётган ва ўзлаштирилаётган капитал маблағларнинг бугунги кун талаблари даражасида эмаслигидир.

Автомат-телефон станциялари биноларини қуриш муддати чўзилиб кетмоқда. Масалан: 2,5 йилда қуриб битказилиши мўлжалланган Ц—17/18 массивидаги 40/49 автомат-телефон станцияси биноси 1980 йилдан буён битмай ётибди. Қорасув массивидаги 65-автомат-телефон станцияси қурилиши ҳам беш йилдан буён битмаяпти. Шу беш йилликда қуриб битказилиши кўзда тутилган 11 та автомат-телефон станциясидан бор-йўғи 4 таси ишга тушди.

Беш йиллик бошидан буён станциялар қурилиши учун ажратилган капитал маблағнинг 48 процента ўзлаштирилди, холос. Ана шу ҳисобдан 52 процент қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўтган 1984 йил топшириғи атиги 40 процент атрофида адо этилди. Шаҳардаги 70/71-, 63-, 37-, 22/23- ва 72-автомат-телефон станциялари бинолари қурилиши ҳануз бошланганича йўқ. Юнусобод, Қорасув, Чилонзор, Ц—17, Ц—18 сингари телефонлаштирилмаган массивлар ва кварталларда истиқомат қилаётган 300 минг аҳоли (2 мингдан ортиғи Улуғ Ватан уруши ветераналари) ана шундай сабаблар билан квартира телефонлари хизматидан фойдаланмаяпти.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида аҳолининг телефон алоқаси хизматига бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш мақсадида, шаҳар, қишлоқ ва шаҳарлараро алоқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Янги телефон станциялари лойиҳаланиши, қурилиши ва ишга туширилиши, шаҳарлараро телефон алоқаси янада ривожлантирилиши ҳамда автомат-телефон станциялар учун зарур бўлган бинолар қурилиши кун тартибига қўйилди.

Ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган йўл-йўриқларни муваффақиятли амалга ошириш, телефон алоқаси хизматини янги босқичга кўтариш йўлида республикамиз алоқачилари бутун куч-ғайратларини сарфлаб ишлашга бел боғлашган. Уларнинг КПСС XXVII съездини тармоқ хизматида янги ютуқлар билан кутиб олишларига шубҳа йўқ.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

ДАМАШҚ. 14 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари давом этмоқда. СССР араб халқларининг Исроил босқинчилигига қарши олиб бораётган адолатли курашини доимо қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда, Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши учун муттасил интилмоқда, деди САР президенти Ҳ. Асад. СССР, деб уқтирди Сурия давлатининг бошлиғи, АҚШдан фарқли равишда Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш масаласига ғоят жиддий ёндашмоқда.

Ҳ. Асад Исроилнинг араб давлатларига нисбатан ўтказаётган агрессив снёсатини танқид қилди ва Яқин Шарқ проблемасини ҳал этиш асосидагина араб территорияларини озод қилиш ва араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини қайта тиклаш мумкин, деди. У БМТ раҳбарлигида халқаро конференция чақириш йўли билан регионда тинчликка эришиш мумкинлигини уқтириб ўтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БЕРЛИН. Галле шаҳрида «Антифашистлар курашидан — халқларни миллий ва социал озод қилиш сари» мавзуида илмий конференция ўтказилмоқда. Икки кун давом этадиган учрашувда ГДР, МХР, ПХР, СССР ва ЧССРдан келган тарихчилар, юристлар ва иқтисодчилар иштирок этмоқдалар. Учрашув қатнашчилари гитлерчилар фашизмига қарши курашда ва Европа халқларини озод қилишда Совет Иттифоқининг ролига биринчи даражали эътибор бермоқдалар.**

● **ТОКИО. Студентлар ўз ўзини бошқариш органлари Умумяпония иттифоқи мамлакат жамоатчилигига мурожаат қилиб, планетанинг бирорта чеккасида ҳам Хиросима ва Нагасаки фожиаси такрорланишига йўл қўймасликка даъват этди. Бу ерда тарқатилган хитобномада ёшлар тинчлик, ядро қуроли бутунлай ва батамом тақиқланиши учун, Японнянинг Пентагон ядровий стратегиясига жалб қилинишига қарши кучларини аямай курашишлари зарур, деб таъкидланади. (ТАСС).**

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

● КОБУЛ. Демократик Афғонистонда меҳнат мусобақаси кенгайиб бормоқда. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, республикадаги 175 та корхона ва ташкилот ишчи ва хизматчиларидан 55 мингдан кўпроқ киши «Шу йилнинг ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарамиз!» деган шиор остида бошланган ҳаракатда қатнашди.

Хом ашё ва материалларни тежаш, меҳнатни яхшироқ ташкил қилиш тадбирлари амалга оширилганлиги натижасида саноат, қурилиш ва транспортнинг бир қанча асосий тармоқларида план кўрсаткичлари ошириб бажарилди, давлат хазинасига анча қўшимча маблағ тушди. Мусобақа якунларини чиқарувчи марказий комиссия мусобақа ғолиблари орасида Мозори Шарифдаги азотли ўғит комбинати, Гузаргоҳдаги тўқимачилик фабрикаси, Кобул уйсозлик комбинати борлигини маълум қилди. Бу корхоналарнинг коллективлари кўчма байроқлар ва фахрий ёрлиқлар, шунингдек пул мукофотлари билан тақдирланди.

● АНҚАРА. Совет ёзувчиларининг 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи кўрсатган мислсиз жасорат тўғрисида ҳикоя қилувчи китобларига шу кунларда турк китобхонлари ўртасида талаб катта бўлмоқда.

Туркиядаги турли нашриётлар К. Симоновнинг «Тириклар ва ўликлар», «Сен билан ва сенсиз», «Урушсиз ўтган йигирма кун» асарларини таржима қилиб, кўп нусхада босиб чиқарди. М. Шолоховнинг суратлар билан яхши безатилган «Инсон тақдири» китоби Туркияда иккинчи марта нашр этилди. А. Бекнинг «Волоколам шоссеси» ва В. Биковнинг «Альп қиссаси» повестларига ёзилган қисқача тақризларда ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, Европа халқларини асоратдан қутқариб қолган совет жангчиларининг мардлиги ва матонати таъкидланади.

Туркия жамоатчилиги намояндалари Буюк Ғалаба байрами арафасида «Маршал Жуков. Биография саҳифалари» ҳужжатли фильмини ғоят қизиқиб томоша қилдилар. Маҳаллий матбуот бу фильмга юқори баҳо берди. Анқарадаги энг катта маданий марказлардан бири— «Чахдаш сахне» экранида 9 май —Ғалаба кунида «Халоскорлик» киноэпопеясидан олинган «Берлин учун жанг» фильми кўрсатилди.

● ҚУВАЙТ. Бирлашган араб амирликлари пойтахти —Абу-Даби университетида студентларнинг навбатдаги — тўртинчи битирув кечаси бўлди. 800 га яқин йигит ва қиз илм-фаннинг турли соҳаларида олий маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломларни олди.

Университет ректори шайх Нахайян бин Муборак кечада гапириб, мамлакатдаги ана шу ягона олий ўқув юрти ташкил этилганидан буён ўтган 9 йил мобайнида уни 2.370 мутахассис битириб чиққанлигини айтди. Кейинги йилларда студентлар сони яна ҳам кўпайди. Ҳозирги вақтда университетда 6000 дан кўпроқ йигит ва қиз таълим олмоқда.

(ТАСС).

Ҳинд халқи мустақил ривожланиш йилларида катта-гина муваффақиятларга эришди. Ҳозирги пайтда Ҳиндистон Республикаси саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳондаги етакчи индустриал мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Мамлакатда саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда социал соҳада ҳам улкан ютуқларга эришилмоқда. Республикада ўнлаб университет, уч мингдан зиёд колледж, саккиз юз минг давлат мактаблари ишлаб турибди. Ҳинд халқи ўзининг қадимий маданий бойликларини, миллий анъаналарини авайлаб асрамоқда.

Суратда: Ҳиндистон пойтахти—Дехлининг марказий проспекти—Раж Патхнинг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. 14 май. (ТАСС). Ироқ ҳарбий вакили Бағдод радиоси орқали эшиттирилган баёнотида кеча кечқурун Ироқ авиацияси Эроннинг Харк ороли яқинида «денгиздаги катта нишон»га ҳужум қилиб, уни шикастлантиргани айтилади.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотида «Дажла дарёсидан шарқроқдаги» участкада ва Басрадан шарқдаги районда Ироқ вертолетлари ва артиллериясининг ўти билан пиёдаларнинг 20 дан кўп пана жойлари, еттита ҳарбий катер, ўқ-дори омбори, кузатиш постлари яксон қилинган. Душман фронтнинг марказий, шимолий участкаларида ҳамда Майсан секторида ҳам аскар ва техникасидан талафот берган.

НИКОСИЯ, 14 май. (ТАСС). Эроннинг ИРНА ахборот агентлиги хабарига кўра, Эрон артиллерияси ўтган кунлар мобайнида фронтнинг шимолий участкасидаги Сердешт ва Пираншаҳр районида Ироқ қўшинларининг позицияларини ўққа тутган. Душманнинг олтита ўт очиш нуқтаси, бир неча автомобиль ва тўплари яксон қилинган.

Фронтнинг марказий ва жанубий участкаларида ўқ-тин-ўқтин отишмалар бўлиб турди.

ЛИВАН ПОЙТАХТИДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан пойтахтида икки ҳафтадан ошдики, тўплар садоси тинмаяпти. Шаҳарни ғарбий ва шарқий секторларга ажратиб турувчи «яшил чизиқ» бўйлаб бирбирига қарши курашаётган томонлар ўртасидаги шиддатли отишмалар давом этди. Пойтахтда жанглар авж олиб кетган 28 апрелдан буён жами 500 дан кўпроқ киши ўлдирилди ёки ярадор қилинди.

Ливан парламентининг раиси Х. ал-Ҳусайни мамлакатда ички сиёсий танглик сақланиб қолаётганлиги учун жавобгарлик тўла-тўкис ва батамом Исроил агрессорлари зиммасига тушади, деди. Тель-Авив Жанубий Ливан ерларини ҳамон оккупация қилиб турганлиги ва унинг агентлари жамоаларарО адоватни авж олдираётганликлари Ливаннинг бирлиги ҳамда территориал бутунлигини қўпоришга қаратилган, деб уқтирди у.

ЯНГИЛИКЛАР

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ

Бухоро область қишлоқ қурилиш трестининг Қоракўл районидаги 3-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ишни бригада пудрати методи асосида ташкил этиб, катта зафарга эришдилар. 12 миллион 658 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу беш йиллик планда кўзда тутилганидан 413 минг сўм кўп, демакдир.

Азамат бинокорлар ўтган тўрт йилу тўрт ой мобайнида 10 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой, 1016 ўринли мактаб, 235 ўринли болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший биноларни фойдаланишга топширдилар.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚИЧКИНТОЙЛАР ВАҚТИ ЧОҒ

Қарши шаҳридаги болалар боғи реконструкция қилинди.

«Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси механизациялашган кўчма колоннаси, 88-йўл ва 17-ремонт-қурилиш бошқармалари, 7- ва 129-механизациялашган кўчма колонналарининг бунёдкорлари боғни фойдаланишга топширишда фаол қатнашдилар.

Кулги хонаси, электр ўйинлар аттракциони, автошаҳарча, эртаклар шаҳарчаси, «Аквариум», «Буратино» кафелари, автодром болалар хизматида. Боғ ёнидаги кўл ҳам реконструкция қилинди. Унинг бўйидаги сўлим жойларда кичкинтойлар мириқиб ҳордиқ чиқаришаётир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

ОМИЛКОРЛИК— МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

САБЗАВОТ ВА МЕВА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон автоном республикасида сабзавот, полиз, мева, узум, картошка етиштириш ва тайёрлаш аввалги йилларга нисбатан бирмунча кўпайди. Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилди.

Бироқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида алоҳида уқтириб ўтилганидек, ҳали бу соҳада етарли даражада ташкилий ишлар олиб борилмаётир. Республикада сабзавот, полиз, мева, узум, картошка етиштиришнинг ҳозирги аҳволи шу куннинг талабига жавоб бермайди. Масалан, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бу ерда узум, картошка тайёрлаш плани бажарилмади. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, агросаноат бирлашмаси кенгаши рўй бераётган камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрмадилар. Оқибатда мева тайёрлаш плани 64,7 процентда, узум тайёрлаш 43 процентда, картошка тайёрлаш 39 процентда қолиб кетди.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида Нукус районининг хўжаликлари 19700 тонна сабзавот, 21 минг 450 тонна қовун-тарвуз, 4500 тонна мева, 55 тонна узум, 7150 тонна картошка етиштириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Айни кунларда райондаги илғор хўжаликларда боғ-роғларни парвариш қилиш, сабзавот экиш уюшқоқлик билан давом эттириляпти.

Аммо бу муҳим иш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган, деб бўлмайди. Масалан, «Нукус» совхозида эртаги сабзавот етиштиришга етарли эътибор берилмаётир. Натижада бу тадбир орқага сурилиб кетмоқда.

— Бунга асосий сабаб,— деди совхоз бош агрономи Абдуқодир Олламбергенов,—парник ва плёнкаларнинг йўқлигидир. Совхозимизда кўчат етиштириладиган икки—икки ярим гектарлик парник хўжалиги бўлиши керак. Ўтқазилган кўчатларнинг эрта баҳорда нормал ўсиши, ривожланишига эришиш учун плёнкалар етишмайди. Энг муҳими, хўжалигимизда автоном республика иқлими ва ер шароитига мос келадиган сабзавот уруғларини етиштириш муаммо бўлиб қолянти. Бошқа жойдан келтириб экиладиган сабзавот уруғлари кўнгилдагидек натижа бермаётир.

— Совхозимиз соҳибкорлари,— деди «СССР 60 йиллиги» совхози бош инженери Жумабой Жумашев,— бу йил 3310 тонна сабзавот, 1200 тонна қовун-тарвуз, 90 тонна картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун меҳнат қилмоқдалар. Дала ишларида 14 та ҳайдов, 32 та чопиқ, 11 та транспорт тракторлари ва бошқа кўплаб техникалар қатнашади. Техниканинг 2 сменада ишлаши учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Бироқ техника тақсимоти, эҳтиёт қисмларни барвақт етказиб бериш муҳим вазифа РАПО кенгаши эътиборидан четда қолмоқда. МТЗ-80 тракторлари, карам, помидор ва бошқа сабзавот экадиган сеялкалар етишмайди.

Район хўжаликларида сабзавот, қовун-тарвуз, мева, узум, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта резерв ва имкониятлар мавжуд. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланган коллектор-дренаж тармоқларини кўпайтиришда Амударё дельта ишлаб чиқариш сув хўжалик бошқармаси ва «Каракалпакводстрой» трести раҳбарлари ҳамон ўзибўларчиликдан нарига ўтишмаётир. Хўжаликлардаги коллекторлар гектар бошига 55-60 метр ўрнига 20 метр ва ундан анча камга тўғри келяпти. Бор коллекторлар эса кўп йиллардан бери тозаланмаган. Тупроқ унумдорлиги паст. Шунинг учун ҳам экинлар ҳосилдорлиги кўпаймаяпти. Агромелиорация, гидромелиорация ишлари илмий тавсиялар асосида ўтказилмаяпти.

Сара, сифатли уруғлар тайёрлашга эътибор сустлиги сабзавот, қовун-тарвуз, картошка етиштиришни кўпайтиришга тўсиқ бўлмоқда. «Узсортсемовощ» бирлашмаси уруғларни баъзан эрта етказиб беради, баъзан анча кечиктириб юборади. Кўпинча уруғлар аралашиб кетган бўлади. Уларнинг кўпи автоном республика шароитига мос келмайди.

Бу ҳол районда махсус уруғчилик хўжалиги, хўжаликларда эса уруғ етиштирадиган алоҳида бўлимлар, бригадалар ташкил этишни тақозо этмоқда.

Сабзавот, қовун-тарвуз, картошка ва бошқа экинлардан олинадиган ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омилларидан яна бири алмашлаб экишга тўла ўтишдир. Алмашлаб экиш районда қониқарсиз аҳволда. Совхозларда сабзавот, қовун-тарвуз, мева, узум, картошка сақлайдиган типовой омборлар кам.

Уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, мактаблар, болалар боғчалари, медицина пунктлари, ҳаммомлар, маиший хизмат кўрсатиш уйлари қуриш, водопровод линияларни ўтказиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш каби ишлар кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Сабзавоткорларга, соҳибкорларга, боғбонларга қанча яхши шароит яратиб берилса, маҳсулот етиштириш, албатта, кўпаяди.

Кейинги йилларда Нукус районида эмас, автоном республиканинг колхоз ва совхозларида ўрик, шафтоли, анжир ва бошқа мевалар деярли йўқ бўлиб кетди. Токзорлар камайди. Мевали кўчатларни ўтқазиш бўйича топшириқлар берилади-ю, улар қоғозда қолиб кетаверади. Шунинг учун ҳам автоном республикада боғдорчилик ва узумчилик ривожланмаяпти.

Аҳолини мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашда юқори натижага эришмоқ керак. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида шундай деб таъкидланди.

— Аммо биз эришишимиз керак бўлган маррадан ҳали олисдамиз. Колхоз ва совхозлар, қайта ишлаш корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имкониятларига эга. Шу имкониятларни омилкорлик билан тасарруф этиш, мавжуд потенциалдан самарали фойдаланиш лозим.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳали Қорақалпоғистондаги кўпгина хўжаликлар коллективларида ташабускорлик, омилкорлик сингари хислатлар етишмайди. Баъзан ўзибўларчилик, қўл учида иш бажариш, топширилган ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш каби эскича кайфият учраб турибди. Сабзавот ва мева етиштиришдаги масалаларни узил-кесил ҳал этиш учун тезкорлик билан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир. Шундай экан, бу борада Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Госкомсельхозтехника» раҳбарлари ташаббусни қўлга олиб, якунловчи йилнинг ҳар бир кунидан омилкорлик билан фойдаланиб, автоном республика хўжаликларидаги мавжуд кўнгилсиз аҳволга барҳам беришлари лозим. Ана шундагина қорақалпоғистонлик миришкорлар ҳам мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширилишида муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўладилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

1985 йил учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун.

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш механикаси, қисилувчан жисмлар механикаси, коллоидли химия, геология, петрография, вулканология, фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, машинасозликда материалшунослик, машинашунослик ва машина деталлари, химия ишлаб чиқариш машина ва агрегатлари, пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари технологияси, қишлоқ хўжалик ва гидромелиорация машиналари, электр ускуналар, машинасозлик технологияси, механизмлар, машиналар ва автомат линиялар назарияси, моддалар, материаллар ва буюмларни контроль қилиш приборлари ва қурилмалари, техника кибернетикаси ва ахборот назарияси, автомат орқали бошқариш ва созлаш, технологик жараёнларни бошқариш, ахборотни қайта ишлашнинг автомат системалари ва бошқариш, электр станциялари (электр қисми), тармоқлар ва системалар ҳамда уларни бошқариш, саноат иссиқлик энергетикаси, иссиқлик техникасининг назарий асослари (техника термодинамикаси ҳамда иссиқлик ва модда алмашинуви ҳам ҳисобга олинади), маркшейдерлик иши, иссиқлик электр станциялари (иссиқлик қисми), ноорганик моддалар технологияси, оғир (ёки асосий) органик синтез маҳсулотлари технологияси, пластмассалар ва стеклопластиклар технологияси ва қайта ишланиши, озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари, силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, ёғлар, эфир мойлари ва атторлик-косметика маҳсулотлари технологияси, ачитиш маҳсулотлари ва алкоголсиз ичимликлар технологияси, қурилиш конструкциялари, ер ости иншоотлари, асослар ва фундаментлар, биолар ва иншоотлар, меъморчилик назарияси ва тарихи, биолар ва иншоотлар меъморчилиги.

АРИЗАЛАР 1985 ЙИЛ 15 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1985 йил 1 декабргача олий ўқув юртлари программаси ҳажмида қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: КПСС тарихи, чет тиллари (инглиз, француз, немис тиллари) ва махсус фан.

Бошқа шаҳарлардан келиб, аспирантурага қабул қилинган кишиларга ётоқхона берилади.

Кириш имтиҳонларини топширишга рухсат этиш тўғрисидаги ариза ва ҳужжатлар (диплом нусхаси — зачет ведомостидан кўчирма билан бирга, характеристика, кадрларни рўйхатга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳоли, реферат, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), 3×4 см. ҳажмда 2 дона ва 4×6 см. ҳажмда 2 дона фотосурат) ректор номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй, аспирантура бўлими. Телефон 41-15-70.

ТЕАТР ЯНГИЛИКЛАРИ

Мана, бир неча кундирки, Максим Горький номли Тошкент Давлат рус академик драма театри биносида Владимир Маяковский номли Душанба Давлат рус драма театри гастроллари муваффақиятли давом этаётир. Тожикистонлик санъат усталари намойиш этаётган ҳар бир саҳна асари тошкентлик мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қардошларимизнинг ижрочилик маҳорати, санъат шайдоларининг қизғин олқишига сазовор бўляпти. Айниқса, Лопе де Вёганинг «Нодон аёл» спектакли ўзига хос талқини, ҳаётий ижроси билан барчани хушнуд этди.

Суратда: «Нодон аёл» спектаклидан бир кўриниш.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

Бир саволга уч жавоб

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Янги, баркамол саҳна асари томошабинларга оламча эстетик заҳ бахш этади, уларни янгидан-янги меҳнат зафарларга сари илҳомлантиради. Хўш, айни шу кунларда пойтахт театрлари ижодий коллективлари қандай янги асарлар устида ишламоқда?

Ҳусан ШАРИПОВ, Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист:

— Биз — санъаткорлар ҳам КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилганмиз. Бутун фаолиятимиз асосан шунга қаратилган. Съездга қадар қатор тўёна асарларни саҳналаштириш ниятимиз бор. Уларда бунёдкор замондошларимизнинг бой маънавий олами, яратувчилик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Айни чоғда ҳаётимизнинг янада кўркамлашишига ғов бўлаётган иллатлар фош этилади.

Театримизнинг ижодий коллективи халқимиз маънавий хазинасининг ноёб дурдоналари бўлмиш классик асарларга ҳам тез-тез мурожаат этмоқда. Жумладан, яқин кунлар ичида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Холисхон» музикали драмасини саҳналаштириш борасидаги ишимиз ниҳоясига етади.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида жамиятимиз учун зарарли бўлган иллатлар, кўзбўямачиликларни тугатиш йўллари белгиланди. Шу маънода драматург А. Иброҳимовнинг шахсий манфаати йўлида ҳар қандай қабиҳ ишлардан тап тортмайдиган таъмагир кишилар туфанглиги ҳақидаги «Зўлдир» сатирик асарининг театримизда саҳналаштирилаётгани диққатга сазовор.

«Холисхон» ва «Зўлдир»даги етакчи образларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳ. Умаров, М. Ғафуров, М. Юнусов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Б. Ихтиёров, Н. Пўлатова, М. Ихтиёрова ва бошқалар яратишади.

Театримизнинг кенжа бўғинга мансуб актёрлари ҳам ўз навбатида ёш томошабинларга атаб П. Мўминнинг «Туяқуш-бояқиш» эртагини ва К. Саъдуллаевнинг «Олтин даврим» музикали драмасини саҳналаштирди. Бу асарлар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда, улар қалбида она-Ватанга, табиатга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муносиб роль ўйнайди, деб ўйлаймиз.

Алексей НАЙДЕНОВ, «Ҳурмат Белгиси» орденли Тошкент Давлат рус ёш томошабинлар театрининг бош режиссёри:

— Бу йил ҳам театримиз учун сермаҳсул бўлади. Энг муҳими, санъатсеварларга тақдим этилаётган ҳар бир саҳна асари ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқилган ҳолда танланмоқда. Шундай асарлардан бири В. Железняковнинг «Бойкот»идир. Биз саҳналаштираётган бу асарда ўсмирларнинг адолатсизликка қарши курашлари ҳикоя қилинади, инсон қадр-қиммати улуғланади. Шунингдек, яқин кунлар ичида Л. Н. Толстойнинг «Жаҳолат ҳукмрони» асари ҳам репертуаримиздан ўрин олади. Бу асардаги етакчи ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Мустафин, В. Андрианова ва бошқалар ижро этишади. Жангчи-шоирлар шеърлари асосида тайёрланган «Болаларни ёд этинг» деб номланган театрлашган музикали композициямиз ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Бундан ташқари болалар севиб мутолаа қиладиган энг машҳур эртаклар асосида саҳна асарлари яратиш режаларимиз бор.

Исо ЁҚУБОВ, республика қўғирчоқ театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

— Театримиз ижодий коллективининг вазифаси шарафли, улар энг кичик ёшдаги томошабинлар дунёқарашига мос спектакллар яратиши лозим. Яқинда М. Рўзимуҳамедовнинг «Качал полвоннинг саргузаштлари» эртагини саҳналаштириб томошабинларга тақдим этдик. Асарда Качал полвоннинг рус қизи Маша ҳамда немис халқ эртакларининг миллий қаҳрамони Ганс билан ҳамкорликда қандай қилиб фашистларнинг генералини асир олганликлари ҳикоя қилинади.

Спектаклга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Акудин нафис саҳна безаклари ишлаган. Бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Ғуломова, Т. Маҳрамов ҳамда театримизнинг ёш актёрлари ижро этишяпти. Айни кунларда Генрих Боровиктнинг «Агент-00», Жасур Исҳоқовнинг «Бўталоқ» пьесалари устида ҳам қизғин иш бошладик.

Ёз ойлари ҳар йили серқуёш ўлкамизнинг пионер лагерларида минг-минглаб афғонистонлик болалар дам олишади. Бир неча йилдирки, театримизнинг ижодий коллективи ёш афғон дўстларимизга спектакллар намойиш этиб келишаётир. Биз бу йўналишдаги репертуаримизни бойитиш борасида ҳам талай ишларни амалга оширяпмиз.

Республика қўғирчоқ театри ижодий коллективи бундан кейин ҳам кичик томошабинларга қувонч улашадиган саҳна асарлари устида ишлайверади.

ОБ-ҲАВО

Шу неча-кундузда республикамизда ҳаво бир оз булутланиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 7-12, баъзи жойларда 14 метр тезликда шамол эсади. Шимолий районларда кечаси 5-10, кундузи 22-27, жанубда кечаси 12-17, кундузи 28-33, қолган жойларда кечаси 8-13, кундузи 23-28, Бухоро ва Навоий областларида 30 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво нам булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Ахборот

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

● Яқинда район ва шаҳар газеталари ходимларидан бир группаси «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари қошида ташкил этилган ўқув-стажировкага тўпланишди. Бир ҳафта давом этган бу йиғинда «Социалистический Чирчик», Калинин район «Ленинчи», Ўрта Чирчиқ район «Машъал», Тошкент район «Шонли меҳнат», Оржоникидзе районининг «Коммунизм тонги» газеталари редактор ўринбосарлари, масъул секретарлари иштирок этиб, ўзаро иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Ф. АБДУРАҲИМОВА.

БИР СМЕНАГА ЎТИЛАДИ

● Ўзбекистон районидаги Тельман номли 12-ўрта мактаб учун 360 ўринли икки қаватли бино қуриб берилди.

Бир сменада ўтишга мўлжалланган мактаб биносини 18-қурилиш трестининг 146-механизациялашган кўчма колоннаси бунёд этди.

Р. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

СПОРТ

ВЕЛОСПОРТ:

ПОЙГА ЙЎЛЛАРИДА

Республикамиз велосипедчилари мавсумни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Жумладан, Москва Олимпиадасининг совриндори, тошкентлик А. Панфилов Ватанимиз пойтахтида ўтказилган СССР чемпионатида трекда бир километрга ўтказилган пойгада иккинчи ўринни эгаллаган эди. Куни кеча у СССР кубоги учун бошланган мусобақада худди шундай баҳсда бир минут 04,666 секундли натижа билан ғалаба қозонди.

Тошкент трекида эса Ўзбекистон чемпионати якунланди. Мусобақада «Спартак» жамияти аъзолари команда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Республика пойтахтининг В. И. Ленин номли майдонидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун кўпкунлик пойга иштирокчилари старт олдилар. 30-марта ўтказилаётган мусобақа 26 майда якунланади. Пойгачилар Тошкент Ангрен, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган йўллари бўйлаб 1200 километрли масофада 14 босқич бўйича баҳслашадилар.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Челябинскда «Ғалаба» соврини учун Бутуниттифоқ финал мусобақасида фарғоналиклар шаҳарлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллашди. 2 километрга югуришда Р. Шергазина (Фарғона) 6 минут 08,4 секундли натижа билан марраданг биринчи бўлди.

● ФУТБОЛ. Олий лига командаларининг навбатдаги учрашувларидан кейин Тбилисининг «Динамо»си 15 та, Киев динамочилари ҳамда «Днепр» командаси 14 тадан очко тўплади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 МАЙ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Домбраси оҳангларга мос эди». Бадиий фильм. 11.00 — «Воланларга ҳайвонлар ҳақида». 11.30 — «Қаерда эдинг, Одиссей?». Бадиий фильм. 1-серия. 12.35 — Концерт. 12.50 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20— Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Фильм-концерт премьераси. 16.40— Мультфильм. 16.50 — «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни». 17.20— «Моҳир қўллар». 17.50—«Очилган қўриқ». Романдан парчалар. 18.25 — «Гусар балладаси» балетига ёзилган куйдан сюита. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Дунё ва ёшлар». 20.05 —Ҳужжатли фильм. 20.10 — «Қаерда эдинг, Одиссей?». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время», 22.05 —«Ёзувчи ва ҳаёт». 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20— Телефильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35— Физика. 10.05 — Испан тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.10 — Тележурнал. 13.15— Тарих. 14.20 — Илмий-оммабоп фильм. 14.35 — «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Телефильм. 19.20 — Халқ куйлари. 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Бадиий гимнастика. Халқаро мусобақалар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Онам эрга тегди». Бадиий фильм. 23.25 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Рус тили. 10.40 — Телефильм. 11.30 — «Салют, Ғалаба!» (такрорий) 12.30 — Зоология. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Сўз кетидан сўз келар». 18.35 — Мультфильм. 18.45 — «Ўзбек адабиёти классиклари». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.15 — «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05— Ягона снёсий кун. 22.35 — «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.05 — МОСКВА-II. 18.20 — Телефильм. 19.00 — «Совет классик куйлари саҳифалари». 19.30 — Реклама. 19.45 — Тошкент янгиликлари. 20.05 — «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

16 МАЙ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — Қувноқ оҳанглар. 9.45 — «Қармоқ». 11.15 — Воллар учун эшиттириш. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — Малши». 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — «Қаҳрамон пионерлар». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — «Халқаро кундалик». 18.30 — Ёш ижрочилар классик композиторларининг асарларини ижро этади. 18.40 — «Аланга». 19.25 — «Юность Узбекистана». 20.50 — «Ўзбекистон чет эллик меҳмонлар нигоҳида». 21.00 — Чинор». Романдан боб. 21.20 — «Қишлоқ оқшомлари».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМЛИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

бўлимлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС — ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: амалий математика;

катта илмий ходим: математик статистика.

Конкурс муддати — 28 майгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси. Ф. Хўжаев кўчаси, 29-уй.

●

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1985-86 ўқув йили учун

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ, НЕМИС ТИЛИ, ФРАНЦУЗ ТИЛИ.

Ҳамма бўлимларда ўқиш муддати —5 йил.

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: **она тили ва адабиёт** (ёзма ва оғзаки), **чет тили** (оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки).

Институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика - йўлланма, меҳнат дафтарчасидан нусха, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, (086/У) формадаги медицина справкаси.

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари —1-20 июнь кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, 20-алоқа бўлими, Навоий кўчаси. 48-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

18 майдан бошлаб СССР халқ артисти В. Оскал-Оол раҳбарлигида

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

(Икки бўлимда)

ТОМОШАЛАР: соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да: якшанба кунлари соат 12, 15 ва 18.00 да БОШЛАНАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Шанба ва якшанба кунги томошаларга қишлоқ меҳнаткашларнинг заявкалари биринчи навбатда қондирилади.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олишингиз мумкин.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —16/V да **Оловли фариштa.**

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси

Бозор **МУРОДОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1930 йилдан КПСС аъзоси

Бўрихон **РИЗАЕВАнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи шу институт катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Д. Х. Бозоровага онаси

Нонна **МИХАЙЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 09249. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 112. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12